



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№1 (954)

2026 йил 16 январь,
жума

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Кўп квартирали уйни фойдаланишга қабул қилишда кадастр паспорти расмийлаштирилиб, у "Турар жой" тизимида автоматик акс этиши, ўрнатилган кўёш панеллари эса умумий мол-мулк сифатида бошқариш органига топширилиши шарт этиб белгиланди. Уйбу талаблар бажарилмаган тақдирда, уй фойдаланишга қабул қилинмайди.



▲ Янги Тошкент худудига барпо этилаётган "Шарк баҳори" турар жой мажмуаси

Янги Тошкент – Янги Ўзбекистоннинг келажак сари қўйган мустақкам қадами

Янги Ўзбекистон – юксалишнинг янги даври. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йилдаги Олий Мажлис ҳамда халқимизга қилган Мурожаатномасида “Биз ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча уларни ўз қўлимиз, ақлу заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз”, деган эди. Президентимизнинг ташаббуси билан қад ростлаётган Янги Тошкент шаҳри айнан мана шундай ёндашувнинг амалий самараси, натижаси дейиш мумкин. 2023 йил 18 март санасида тамал тоши қўйилган шаҳар бугун бўй-бастини намоён этмоқда. 2025 йилда бу ерда олиб бориладиган қурилиш ишлари ҳажми 3 миллион квадрат метрга етган.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ақлли транспорт тизими –
замонавий шаҳарсозликнинг
муҳим шарт

Замонавий шаҳарсозликнинг муҳим шартларидан бири – бу ақлли транспорт тизимининг мавжуд бўлиши. Янги Тошкент шаҳри 15 дақиқалик шаҳар модели асосида қуриломоқда. Яъни, марказдан ҳудуднинг исталган манзилига 15 дақиқада етиб бориш мумкин. Бу пайда ва автотранспортда ёки мобил ҳаракатланиш учун ҳам қулай манзил бўлади. Шунингдек, келажак шаҳрида ўзига хос экологик муҳит яратиш режалаштирилган. Ҳудудда сунъий каналлар ва коллекторлар ташкил этилади. Шу боис кўприклар Янги Тошкентнинг ажралмас бўғини ҳисобланади.

2025 йилнинг сўнгги кунларида Янги Тошкентга ташрифи чоғида Давлатимиз раҳбари Чирчиқ дарёси ўзанини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда шаҳарда барпо этилаётган биринчи кўприк қурилиши тақдироти билан танишди. Янги кўприк бир суткада 40-50 минг автотранспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади. Айни пайтда лойиҳанинг дастлабки қисми амалга оширилмоқда.



стратегияси –
янги тараққиёт
босқичида

Жамшид ШАРИПОВ,
"Тараққиёт
стратегияси"
маркази бўлим
бошлиғи.



Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган тизимли ислохотлар мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсиш траекториясига олиб чиқди.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард долларга, хорижий инвестициялар 43,1 миллиард долларга, экспорт ҳажми 33,4 миллиард долларга, олтин-валюта захиралари 60 миллиард долларга етди. Ишсизлик 4,9 фоизгача, камбағаллик даражаси эса 5,8 фоизгача қискарди. Бу кўрсаткичлар мамлакат иқтисодий сиёсатининг изчиллиги ва ислохотларнинг самарадорлигини яққол намоён этмоқда.

Бироқ жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги беқарорлик, геоиқтисодий хатарлар, технологик

инқилоб ва "яшил" иқтисодиётга ўтиш жараёнлари Ўзбекистондан ҳам янги ёндашувларни талаб этмоқда. Шу боис, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини янгилаш, уни реал шароит ва узоқ муддатли мақсадларга мослаштириш долзарб вазифага айланди.

Янгиланаётган стратегия миқдорий эмас, балки сифат жиҳатдан янгича қарашни назарда тутмоқда. Мазкур стратегиянинг иқтисодий йўналиши доирасида иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, юқори қўшилган қиймат яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва аҳоли даромадларининг барқарор ўсиши устувор вазифа сифатида белгиланмоқда. Асосий мақсад – 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини камидан икки баравар ошириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни 5800 долларга чиқариш ҳамда Ўзбекистонни "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига киритишдан иборат.

Аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш стратегик вазифа сифатида белгиланган. 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 миллиард долларга етказиш, инфляция даражасини 5-6 фоиз атрофида барқарорлаштириш, консолидациялашган бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 3 фоиздан оширмаслик ҳамда давлат қарзини 50 фоиздан юқори бўлмаган даражада ушлаб туриш режалаштирилган. Бу чоралар иқтисодиётнинг ташқи шокларга чидамлилигини ошириб, ижтимоий дастурлар ва инфратузилма лойиҳаларини узлуксиз молиялаштиришга хизмат қилади.

Иккинчи муҳим йўналиш солиқ-бюджет ва молиявий бошқарув тизимини ислох қилишга қаратилган. Солиқ тушумларининг ЯИМдаги улушини 19,2 фоизгача ошириш, солиқ қарздорлигини ундирishi даражасини 97 фоизга етказиш ва божхона тушумларининг ЯИМдаги улушини 6,5 фоизгача кўтариш кўзда тутилган. Шу билан бирга, 52 та вазирлик ва идорани тулиқ "дастурий бюджетлаштириш" тизимига ўтказиш орқали давлат харажатларининг самарадорлиги оширилади, ҳар бир бюджет сўмининг аниқ натижа бериши таъминланади.

Саноатни ривожлантириш ва юқори қўшилган қиймат яратиш стратегиянинг марказий йўналишларидан бири ҳисобланади. 2030 йилга қадар саноатда технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2,5 баравар ошириш, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 36,5 миллиард доллардан 60 миллиард долларга етказиш ҳамда 2,5 миллион юқори даромадли иш ўринларини яратиш режалаштирилган.



2026 йилдан қурилиш соҳасида нималар ўзгаради?

Улушли қурилиш соҳасида
эскроу ҳисоблари оммавий
жорий этилади

Президент томонидан имзоланган фармон билан қурилишга улуш киритиш фақат нотариал тасдиқланган шартнома асосида амалга оширилиши белгиланган эди. Шунингдек, 2026 йил 1 январдан бошлаб, қурилишни молиялаштиришнинг ягона йўли эскроу ҳисоб тизими орқали амалга оширилади.

Кўп қаватли уйларга қўшимча
қават қўшиш лойиҳасини
қайта расмийлаштириш
тақиқланади

2026 йил 1 январдан қурилиши бошланган кўп квартирали уй-жойларга қўшимча қават қўшиш, баландлигини ошириш учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тегишли архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари томонидан куриб чиқиш, экспертизадан ва қайта рўйхатдан ўтказиш тақиқланади.

Янги қурилаётган турар жой
мажмуалари номи ўзбекча
бўлиши талаб этилади

2026 йил 1 январдан бошлаб қурилаётган турар жой мажмуалари номлари давлат тилида бўлиши, давлат тили қоидалари ва меъёрларига риоя этиши лозим. Бундан ташқари, объект паспорти, пешлавлалар ва қурилиш майдонининг вақтинчалик тўсиқларидаги бошқа ёзувлар давлат тилида бўлиши талаб қилинади. Қурилаётган объектлар ҳақидаги реклама ва эълонларда давлат тилидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади.

Тарихий бинолар
зилзилабардошлиги
мониторинги жорий этилади

Биринчи босқичда мамлакатнинг туризм салоҳиятини намоийш этувчи объектлар, жумладан, Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Бухородаги Дарвозахона (Арқ калъаси), Хивадаги Ичан қалъа мажмуасида мониторинг ўтказилади.

Ғишдан воз кечиш
рағбатлантирилади

2026 йилдан Ўзбекистонда ғишт ишлаб чиқариш солиғи икки бараварга оширилади, 2027 йилдан эса қўриқланадиган ерлардаги карьерларда қум қазиб олиш тақиқланади. Ғишт ўрнига пеноблок ва газоблокдан кенг фойдаланувчи қурилиш ташкилотларига "Шаффоф қурилиш" платформасида устуворлик берилади.

Ер участкалари ва капитал
қурилиш объектларининг
ягона классификатори жорий
этилади

1 январдан ер участкалари ва капитал қурилиш объектларининг ягона классификатори жорий этилади. Шунинг ҳисобига тадбиркорлар бир йилда ўз ерига 800 миллион сўмлик инвестиция киритади. Булардан ташқари, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик, пиллачилик соҳалари, мева-сабзавотни қайта ишловчиларга улар жойлашган бино-иншоотлар остидаги ерлар учун саноат тоифаси ставкасида ер солиғи ҳисобланапти.

Кўчмас мулк ва қурилиш
материаллари учун солиқлар
бозор нарҳида ҳисобланади

2026 йил 1 январдан Ўзбекистонда кўчмас мулк ва қурилиш материаллари бўйича солиқ базаси бозор қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

Қурилиш ва савдо соҳасида фаолият юритувчи юридик шахслар устав капиталли ва ундаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, устав капиталига киритилган товарлар тўғрисидаги маълумотлар (электрон ҳисобварақ-фактуралар, онлайн-касса техникаси чеklари, божхона юк декларациялари, нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномалари ва бошқа ҳужжатлар) ҳисобини юритиши шарт. Ушбу операциялар амалга оширилганидан кейин 15 кун ичида солиқ органларининг маълумотлар базасида шахсий кабинет орқали акс эттирилиши талаб этилади.

Ёш олимлар учун хорижий
илмий стажировка танлови
ташқил қилинади

Қурилиш материаллари соҳасида фаолият олиб бораётган ёш олимлар учун белгиланган тартибда хорижий илмий стажировка танлови эълон қилинади. Шунингдек, 2026-2028 йиллар учун умумий молиялаштириш ҳажми 30 миллиард сўмлик илмий лойиҳалар танловлари эълон қилинади.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

uzbunyodkor





▼ Янги Тошкент ҳудудида барпо этилаётган “Шарқ баҳори” турар жой мажмуаси

Янги Тошкент – Янги Ўзбекистоннинг келажак сари қўйган мустаҳкам қадами


➔ 1 Ҳозирги кунда бу ерда қурилиш ишлари авж олган. Кўприкнинг узунлиги 46,8, энига 31,8 метрни ташкил этади. Кўприкнинг қулайлиги шундаки, унинг ўртасидан трамвай линияси ўтиб, тўрт тасмали йўлдан иборат бўлади. Иншоот энг замонавий техникалар асосида сифатли бетонлар ёрдамида қурилмоқда. Унинг қурилишида фойдаланилаётган материаллар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган. Жумладан, арматура, бетон ва бошқа барча қўшимчалар миллий қурилиш материаллари ҳисобланади.

Янги шаҳардаги бунёдкорлик ишлари доирасида Чирчиқ дарёси бўйидаги 104 гектардан ортиқ ҳудуд обод қилинади. Шундан, 63 гектари яшил майдон бўлса, 25 гектари дарё юзаси майдони ҳисобланади. Шу ерда 16 гектар ҳудудга қаттиқ қопламалар ётқизилиши кузда тутилган. Бундан қуринадики, янги шаҳарда яшил зоналарга устуниқ берилмоқда. Бундан ташқари, энергия тежамкор ёритиш тизимлари ўрнатилади. Пйедалар ва велосипед йўлаклари барпо этилади.

“Яшил шаҳар” лойиҳаси иқлим мўътадиллигини таъминлайди

Янги Тошкент шаҳри учун ишлаб чиқилган ҳар бир концепция ва архитектура муҳандислик ечими мамлакатда сўнгги йилларда амалга оширилган қурилиш ҳамда шаҳарсозлик ишларининг амалий ифодаси бўлган мега лойиҳадир. Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси биносига ташрифи чоғида мега лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган истиқболли режалар тақдими билан ҳам танишди. Тақдимот жараёнида Янги Тошкент нафақат янги турар жой массиви, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделини тубдан янгиланган таъин нуктаси сифатида баҳоланди. Жами 19 700 гектар майдонни қамраб олган мазкур ҳудуд замонавий шаҳарсозлик тамойилларига асосланиб, инсон манфаатлари, экологик барқарорлик ва инновацион ёндошувларни ўзида мужассам этган.

Лойиҳанинг биринчи босиқичида 6 минг гектар кенг қўламли қурилиш ишлари амалга оширилиб, 600 минг нафар аҳоли учун замонавий уй-жойлар, ижтимоий ҳамда муҳандислик инфратузилмаси яратилади. Лойиҳа тўлиқ якунланганда эса Янги Тошкент 2 миллион нафар одам яшайдиган улкан мегаполиста айланади. Бу рақамлар мамлакатда ҳали бутунгача мисли қўрилмаган даражадаги шаҳарсозлик ташаббусини ифода этади.



▼ Миллий кутубхона

Лойиҳа “яшил шаҳар” сифатида илгари сурилган гоя асосида амалга оширилмоқда. 30 фоизгача бўлган ҳудудини яшил қўринишда таъмирлаш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Шаҳардаги ҳар бир маҳалланинг ўзига хос кичик бир боғи, яшил ҳудуди бўлиши лойиҳанинг алоҳида эътиборга молик жиҳатидир.

Тошкент шаҳридан бир нечта каналлар оқиб ўтади. Бу эса яшил ҳудудларда иқлимнинг мўътадиллигини таъминлайди. Ҳудуд бош ҳудуд бўлгани сабабли бу ерда замонавий коммуникация тармоқлари яратилмоқда. Шаҳарнинг инфратузилма тармоқлари рақамлаштирилган бўлиб, ҳар бир ҳудудда инфрутузилма юкламалари ҳолатини реал вақтда мониторинг қилиш имкониятини беради. Йўл тармоқларининг унинг ичига қиртилиши натижасида шаҳарда инфратузилма жиҳатидан бирон-бир носозлиқлар юзага келадиган бўлса, уни вақтида аниқлаб, олдини олиш имкониятини беради.

Барча иншоотлар – инсон манфаатлари учун хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари “Янги Тошкент”да барпо этилаётган хизмат кўрсатиш ва дам олиш мажмуалари, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилаётган йирик инвестициявий лойиҳаларнинг тақдими билан ҳам танишди. Кўп мақсадларга қаратилган маданий объектлар сармоявий йирик лойиҳалар, тематик боғлар шулар жумласидандир. Шаҳарнинг бош режаси рақамли технологиялар асосида ишлаб чиқилгани, энергия тежамкор ҳамда экологик тоза ечимларнинг устувор этиб белгиланиши глобал иқлим ўзгариши шароитида стратегик жиҳатдан жуда муҳимдир. Янги Тошкент шаҳрининг умумий концепцияси Буюк Британиянинг машҳур компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у шаҳарсозликдаги илғор халқаро тажрибаларга таянади ва бундай тажрибаларнинг миллий шароитга мослаштирилиши шаҳарнинг функционал, эстетик ва иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундай қўламадаги қурилиш узоқ муддатли ва барқарор инфратузилмани талаб қилади. Ҳозирги пайтда ҳудуддаги ер ости муҳандислик тармоқлари қурилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш баробарида маҳаллийлаштиришга кўпроқ эътибор қаратиш вазифаси белгиланганди. Бу билан қурилиш объектларининг нархлари бирмунча камайиши таъминланади.

Шаҳарда барпо этилган уй-жойлар, автотураргоҳлар, метро бекатлари ҳам Президентга тақдимот қилинди. 2026 йилда бир қанча кўп қаватли турар жойларни фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилинмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатини 2027 йили Тошкентда ўтказишни қўлга киритган. Жаҳон чемпионатини ўтказиш учун Янги Тошкент ҳудудида 55 минг томошабин сифмига эга замонавий стадион қурилиши режа қилинган. Мазкур стадионда барча сифатли шарт-шароитлар яратилади. Давлатимиз раҳбари ҳар бир ташаббусни илм-фан ютуқларига таяниб, лойиҳаларни миллийлик, маҳаллий руҳни акс эттириши, энг асосийси, улар халқ манфаатига хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Шаҳарда режалаштирилаётган “Бизнес марказ”, “Ипак шаҳар” каби кластерлар иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш, савдо, молия ва халқаро ҳамкорлик соҳаларини бир нуктада жамлаш орқали энергия самарасини юзага келтиради. Бу эса Янги Тошкентни фақат яшаш учун эмас, балки инвестиция қиритиш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш учун ҳам жозибадор ҳудудга айлантиради. Янги шаҳарда инвесторлар фаоллиги ҳам юқори. Аукцион орқали сотилган 24 та тижорий лот учун 2 миллиард долларлик инвестиция шартномлари имзоланган. Айни пайтдаги қурилиш жараёнининг ўзида 10 минг нафар инсоннинг бандлиги таъминланган. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгандан кейин инновацион технологияларга асосланган юқори даромадли 100 минглаб доимий иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Ижтимоий барқарорлик ва даромадлар ўсиши эса нафақат Тошкент шаҳри, балки бутун ҳудуд иқтисодий фаоллигининг ошишига хизмат қилади. Тақдимот якунида Президент лойиҳанинг ҳар бир босқичини сифатли, ўз вақтида ва халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш муҳимлигини таъкидлаб, масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берди.

– Президентимиз Янги Тошкентни эски Тошкент билан таққослаб, инновацион лойиҳалар асосида қурилишини бошлаб берди, – деди Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қурилиш ишлари бўйича маслаҳатчиси Абдуқаҳҳор Тўхтаев. – Тошкент шаҳрида қурилган уй-жойлар, бино, иншоотлар билан замонавий лойиҳа асосида Янги Тошкентда қурилаётган иншоот ва бинолар тубдан фарқ қилади. Яъни, инсон манфаатлари учун барча қулайликларга эга бўлган иншоотлар қуриляпти. Буни батафсил айтидиган бўлсак, Янги Тошкент 20 минг гектарга яқин ерда жойлашади. Биринчи навбатда, 6 минг гектарда қурилиш-монтаж ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган бўлса, даставвал муҳандислик иншоотлари жуда катта эътибор берилмоқда.

Шаҳарнинг шоҳ кўчасидан кириб келишдаги биринчи чорраҳада 500 автомобильга мўлжалланган ер ости автомобиль тўхташ жойлари ташкил қилинмоқда. Булар фақат ер ости тўхташ жойлари эмас, бу ердан биноларнинг остида ташкил этиладиган тунеллар ва тўхташ жойлари орқали кўп қаватли уйларнинг ҳовлисига ҳам автомобилда бориш имконини беради. Таҳсинга лойиқ жиҳати шуки, у ердан чиқиш йўллари ҳам алоҳида, яъни шу чорраҳага келиб, шу чорраҳадан шаҳар ташқарисига чиқиб кетилади. Бу ҳам экологияни назарда тутиб ҳал қилинган ижобий ишлардан биридир. Иккинчиси, ҳозирда биз шаҳарда ер ости иншоотларида авария ҳолатлари бўлса, серкатнов катта йўللарни кавлаб, таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Бу ерда эса ер ости коллекторлари ташкил қилинапти. Биз айтган ер ости йўлларида тушганимизда у ерда яна ҳар бир бинога борувчи иншоотлар қурилган, яъни булар улчами 6 га 6 бўлган коллекторлар, бошқача айтганда, галереялардир. У ерларга бирида қуруқ ер ости иншоотлари, яъни интернет, алоқа, кучланиш кабеллари, иккинчисида иссиқ ва совуқ сув, иссиқ пар, ёз мавсумларида совуқ ҳаво юбуровчи қуурлар каби муҳандислик-коммуникация тармоқлари жойлаштирилади. Айтиш керакки, уларни иш жараёнида эксплуатация қилиш осон. Муҳандислар ишчи-хизматчилар мана шу тунеллар орқали уларни қўриб турган ҳолда таъмирлаш ишларини амалга оширишади. Ҳозиргидек авария рўй берганда ер ости муҳандислик иншо-

отларини топиш учун кавлаб, таъмирлашга ҳожат қолмайди.

Аҳоли саломатлиги – энг муҳим масала

Шаҳарда бажарилаётган ишларнинг ҳажмини кўрадиган бўлсак, уларнинг миқёси жуда катта. Ер ости газ қувири орқали электр энергияси қувватлари олинadиган генерация шу ернинг ўзида ташкил қилиниб, бино ва иншоотларга етказиб берилади. Яна бир қулайлик, иссиқлик манбаи ва иссиқ сув ҳамда иссиқ пар шу ернинг ўзидан етказиб берилади. Улар биноларга борганда, муҳандислик қуворлари орқали ҳисоблагичлар ўрнатилади ва у ерда бойлер тизими хизмат қилади. Яъни, қиш вақтида юборилган иссиқ пар орқали бориб хоналарга тарқатилади. Уни бошқариб туриш учун ҳар бир хонадонга бошқарув пульта-ри ўрнатилади. Ёз мавсумида эса совуқ ҳаво юборилиши натижасида ташқарига кондиционерлар ўрнатиш талаб этилмайди.

Турар жойлар, ўқув муассасалари ва қурилаётган катта иншоотларда иссиқлик манбаини сақлаш учун давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан базальтдан плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Иншоотларга ўрнатиш базальт плиталар ёзнинг иссиқ кунларида ташқи томондан иссиқ иқлимни хоналарга киритмайди. Қиш мавсумида эса берилаётган иссиқлик манбаини ташқарига чиқармайди. Бу ҳам иқтисодий нуктага назардан жуда самарадор. Шаҳарда катта қозонхоналар қурилмайди ва газни кўп сарфлаш оқибатида экологияга зарар етказилмайди. Шу билан бирга, шаҳар ҳудудида яшовчи ва ишловчи аҳолининг соғлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмайди. Буларнинг барчаси Янги Тошкентда биринчи марта қилинаётган ташаббус.

Муҳандис кадрлар маҳорати

2001 йилларда метронинг учинчи Юнусобод йўналиши қурилгандан кейин молиялаштириш бўлмаганлиги сабабли Тошкентда метро қурилиши тўхтаб қолган эди. Метро қурилиши тўхтаб қолиши натижасида тажрибали қурувчиларимиз, мутахассисларимиз бошқа давлатларга кетиб қолишганди. 2017 йилдан бошлаб Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан метроларда қурилишлар қайтадан қўрланди ва барпо этилмоқда. Президентимизнинг ташаббуслари билан ер усти метросини халқа йўли бўйлаб, Янгихаёт ва Сергели туманларига ҳам етиб бориши катта воқелик бўлди. Буни биз авваллари кўз олдимишга ҳам келтира олмадик. Бу икки чекка туманларни шаҳар маркази билан боғлашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда бу туманларда транспорт масаласида муаммо йўқ, Янги Тошкентда ҳам шаҳар ва йўллар, метро биргаликда қурилмоқда.

Яна бир масала. Чирчиқ дарёси ўзининг қурилиши бошланган. Шоҳ кўчадан кириб келишда ўнг томондан ҳозир ўзаннынг бетон ишлари амалга оширилиб, 5 километр масофада қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Сув кирган жойда экология ва яшил зоналарнинг барпо этилаётгани ҳам олдиндан кўра-билиб қилинаётган ишдан далолатдир. Лойиҳада кўрлик, жуда катта боғлаш ташкил қилиниши ва бу Янги Тошкентда саноат корхоналари бўлмаслиги эса “ақли шаҳар”, экологик нуктаи назаридан обод, аҳолига катта қулайликлар яратилган шаҳарлардан бири бўлади, деган фикрдан. Қурилиш жуда катта тезлик билан амалга ошириляптики, биз бир йил олдин келганимизда 12 қаватли бинолар, йўллар ҳали йўқ эди. Бугунги кунда эса таълим муассасалари, вазирликлар биноларининг қад ростлаётгани ҳам бу ерда қурилиш ҳажми катталигидан дарак беради.

Мазкур қурилиш объектларини халқимиз, ёшларимиз қуришяпти. Янги Тошкентда қурилаётган метрони ҳам муҳандис кадрларимиз барпо этишмоқда. Бунинг учун келажакни кўзлаб, барча соҳаларда кадрлар тайёрланмоқда.

Янги Тошкент бу фақат янги шаҳар эмас, балки Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт, инновация ва фаровонлик сари қўйган мустаҳкам қадами ҳисобланади.



стратегияси – янги тараққиёт босқичида

➔ 1 Енгл автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 1 миллион донга етказиш, машинасозлик, электротехника, кимё ва фармацевтика соҳаларини ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг янги “драйвер” тармоқлари шакллантирилади. Бу, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш ва ҳудудларда иқтисодий фаолликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция муҳитини яхшилаш стратегиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини йиллик ўртача 7 фоизга ошириш, қимматли қоғозлар бозорига эркин муомаладаги савдолар ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш ва 40 та давлат иштирокидаги корхоналарни “Халқ IPO”сига чиқариш режалаштирилган. Бу орқали аҳолининг инвестиция жараёнларида иштирок этиши кенгайди, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улуши эса 85 фоизгача ошиши кутилмоқда.

Янгиланган стратегияда “яшил иқтисодиёт”га ўтишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қувватини 25 минг МВтга етказиш, уларнинг электр энергияси генерациясидаги улушини 54 фоизга чиқариш ҳамда иссиқхона газлари интенсивлигини 2010 йил даражасига нисбатан 35 фоизга қисқартириш белгиланган. Бу экологик барқарорлик билан бирга, энергия хавфсизлиги ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда Фармон лойиҳасида назарда тутилган “мақсад – ҳаракат – натижа” тамойили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Барча кўрсаткичлар рақамли платформа орқали доимий мониторинг қилиниб, улар “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратилади. Бу давлат бошқарувида шахсий жавобгарликни кучайтиради ва ислохотларнинг амалий натижа беришини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, янгиланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида фақат улкан рақамлар ёки режалар йиғиндиси эмас. У ҳар бир фуқаронинг ҳаёт сифати, барқарор иш ўринлари, даромадлар ўсиши ва келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс дастурдир. Мазкур стратегия Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишда мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради.

Атроф-муҳитга таъсири юқори бўлган корхоналар томонидан туташ ҳудудларда ҳар йили **10 миллион туپ** кўчат экиб, “яшил белбоғ”лар барпо этиш




амалдаги тахрирда **30 млн**




лоийҳадаги тахрирда **50 млн**

Ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини қум кўчишидан сақлаш учун ихота дарактзорларини барпо этиш



амалдаги тахрирда **26 200 гектарда**



лоийҳадаги тахрирда **30 055 гектарда**

Президент Мурोजаатномаси: Халқимиз фаровонлиги ва ҳудудлар ривожии кафолати

Давронжон АДИЛОВ,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари, “Yangi Toshkent shahrini barpo etish” дирекцияси раҳбари.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган бу галги Мурोजаатномасида аҳоли фаровонлиги ва бизнесни ўстиришга хизмат қиладиган инфратузилмани янада яхшилаш бўйича 2025 йил катта ўзгаришлар йили бўлганини алоҳида таъкидлаб, шундай деди:

– Бу йил 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик суви кириб борди, яна 2 миллион 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Ёки 867 та “огир” маҳалладаги 470 мингта хонадонга томорқаларни суғориш учун илк бор сув етиб борди. Жорий йилда аҳолига 8 миллион 100 минг квадрат метрли, 135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар топирилишмоқда, одамларнинг ўзи ҳам яшаш шароитини яхшилаш учун 19 миллион квадрат метр майдонда қурилиш қилди. Бизнес вакиллари томонидан 24 миллион квадрат метр нотурар жой объектлари барпо этилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, 2025 йил қурилиш соҳасида ҳам йирик лойиҳаларга бой йиллардан бири бўлди. Жорий йил давлат дастури доирасида республика бўйича 135 мингта хонадондан иборат уй-жойлар қурилиши белгиланган эди. Қурувчиларимиз белгиланган режани тўлиқ бажариш мақсадида йил бўйи тиним билан меҳнат қилишгани натижасида минглаб юртдошларимиз янги хонадонларга эга бўлиб, фаровон ҳаёт кечирishiмоқда.

Бугунги кунга қадар 119 та шахар ва 314 та шахарча бош режалари ҳамда 1 873 та қишлоқни ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилган. 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-299-сонли қарорга мувофиқ 2023-2027 йилларда 27 та шахар ва 217 та шахарча бош режалари ҳамда 518 та қишлоқни ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Хусусан, 2025 йил дастурга асосан, ишлаб чиқиш режалаштирилган 161 та шахарсозлик ҳужжатлари учун республика бюджетидан 100,0 миллиард сўм маблағ ажратилди.

6 та шахар ва 48 та шахарчанинг бош режаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланди. Шунингдек, 108 та қишлоқни ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилиб, жамоатчилик ва ҳудудий архитектура-шахарсозлик кенгашлари муҳокамасидан ўтказилиб, тегишли Халқ депутатлари вилоятлар кенгашининг қарорлари билан тасдиқланди. Айни пайтда 882 та бош режа (24 та шахар, 58 та шахарча, 800 та қишлоқ) ГИС форматидида ишлаб чиқилиб ва “рақамли эгизаклари” яратилиб, шахарсозлик геоахборот тизимига юкланди.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида “Эилзилабардош уй”, “Улуш киритиш асосида уй-жой қуриш 2.0”, Хавфсиз лифт, Кўп квартиралы уйни бошқарувчи органлар реестри, Коммунал хизматлар учун тўловларни ягона шахсий ҳисоб варақ орқали амалга ошириш ҳамда Менинг ҳудудим каби кўплаб платформалар ишлаб чиқилди. “Шаффоф қурилиш” тизими орқали 28 661 та объект лойиҳаси экспертизадан ўтказилди ва натижада 9,8 трлн сўм маблағ лойиҳаларнинг смета қисмидан иқтисод қилинди. Қолаверса, яқунланган йилда “Лицензия” ахборот тизимида

Барно САЛИМОВА,

Тошкент давлат транспорт университети профессори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурोजаатномасини барчамиз катта ҳаяжон билан тингладик.

Мурोजаатномада таъкидланганидек, сўнгги тўққиз йилда биз эл-юртимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Иқтисодиётимиз янгидаш шакланган, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайтирдик, қонун устуворлигини мустаҳкамладик. Ёнг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.

Биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик. Бунинг тасдиғини тобора янгича қиёфа касб этиб бораётган шахар ва қишлоқларимизда, замонавий қорхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, богча ва шифохоналар, обод кўча ва маҳаллалар, транспортлогистика тизими, рақамли хизматлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Мурोजаатномада Президентимиз 2026 йилда амалга ошириладиган ёнг муҳим 6 та устувор йўналишдан иборат дастур ҳақида атрофича тўхталиб ўтди. Учинчи устувор йўналиш

ички бозорда талабни рағбатлантириш масаласи бўлди.

Мурोजаатномада йўл инфратузилмасини яхшилашга қаратилган ишлар сарҳисоб қилинар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таҳлили кўра, сифатли йўллар иқтисодиётимизнинг камида 2 фоиз ўсишига туртки бериши қайд этилди.

– Автомобиль йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини янада ошириш мақсадида беш йиллик дастур амалга оширилади. Бунда Андижон билан Қўнғиротни, Тошкент билан Термизни, Самарқанд билан Шахрисабзни, Олот билан Сарийосиёни боғлайдиган, узунлиги 4 минг километр магистраль йўлларни халқаро талабларга мос “автобан”ларга айлантирилади. 2026 йилининг ўзида Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудидан ўтган умумий фойдаланишдаги 300 километр йўлларда реконструкция ишлари якунланади. Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Андижон, Тошкент – Бўстонлик, Пунгон – Наманган ва Қарши – Шахрисабз йўналишида юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган 800 километр йўллар қурилишига катта тайёргарлик кўриб, ҳамкорларни белгилаб олдик, – деди давлат раҳбари ўз чиқишида.

Тошкент – Самарқанд йўлининг қурилиши март ойидан, қолган йўллар бўйича амалий ишлар эса 1 июлдан кеийктирмасдан бошланади. Яна

1 минг 200 километр йўллар 2030 йилгача халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда қайта қурилади. Энди йўлларни лойиҳалаштиришда аҳолининг фикри, транспорт қатновининг аτροφ-муҳитга таъсирини инобатга олиш, пйёдалар учун “тўсиқсиз” муҳит яратиш бўйича қатъий талаблар қонун даражасида мустаҳкамланади. Йўл қурилишига илгор технология ва стандартларни жорий этиш устувор тамойил сифатида белгиланади. Парламентимиз “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишда йўлларни режалаштириш тизимини назарда тутса, мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди.

Аҳолининг даромади, хорижий туристлар оқими тобора ортиб бораётгани келгуси беш йилда озиқ-овқатга бўлган талабни 1,5 қара оширади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажминини ҳозирги 40 миллиарддан 60 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олаимиз. Мен йўл қурилишига муҳандис-мутахассисларни етказиб берувчи олимпиа сифатида шуни айта оламаники, ушбу вазибалар бизнинг янада масъулият билан меҳнат қилишга қорлайди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу мурोजаатномаси Янги Ўзбекистон тараққиётини янада мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Акмал ШУКУРОВ,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси раҳбари.

Президентимиз томонидан Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган навбатдаги Мурोजаатнома мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва албатта, қурилиш-бунёдорлик йўналишидаги устувор вазибаларни аниқ ва равшан белгилаб берди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Мурोजаатномада бу йўналишга алоҳида тўхталиб, ҳудудларда бунёдорлик ишларини янги сифат босқичга олиб чиқиш, қурилишда қонун устуворлигини таъминлаш, хавфсизлик ва сифат талабларини кескин кучайтириш зарурлигини қатъий таъкидлади. Бу эса биз, назорат қилиш инспекциялари зиммасига катта масъулият юклайди.

Сўнгги йилларда Самарқанд вилоятида турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, йўл ва транспорт инфратузилмаси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мурोजаатномада ҳудудлар ривожини таъминлашда айнан шундай тизимли ёндашуви давом эттириш, қурилиш жараёналарини пухта режалаштириш ва самарали назоратни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Панжи ТАНГРИЕВ,

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.



Шўҳрат КОМИЛОВ,

Самарқанддаги “Қурилиш материаллари савдо мажмуаси” МЧЖ директори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йил якунлари бўйича Олий Мажлисга ва кўп миллатли халқимизга Мурोजаатнома тақдим этишнини анъанага айлантирди, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари бу галги чиқишининг аввалда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижалари жамият ҳаётида тобора яққол сезилаётганини таъкидлади.

Дунёдаги ўзгаришлар фонида 2025 йил мураккаб кечганини айтиб ўтди. Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда 1,5 миллион эхтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқарилгани, ЯИМ ҳажми илк бор 145 миллиард доллардан ошгани, Шарқ ва Ғарб ўртасида ҳамкорлик кўприклари қурилаётганини таъкидлади.

Юртбошимиз Мурोजаатномада маҳалланинг халқни бериштириш, ёшларни ватанпарвар руҳда тарбиялаш ва жамиятда бирдамликни мустаҳкамлашдаги ўрни беқиёс эканига алоҳида тўхталди. Шу муносабат билан давлат раҳбари 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксал



Белгиланган ёнг муҳим вазибалардан яна бири – қурилиш соҳасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш ва барча объектлар белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида барпо этилишини таъминлашдир.

Эндиликда инспекция фаолияти нафақат текикурувалар ўтказиш, балки қурилиш жараёнларида очиклик, шаффофлик ва масъулиятни оширишга ҳам қаратилади. Шунингдек, арзон ва сифатли уй-жой қуриш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, шахарсозлик маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз томонидан Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган навбатдаги Мурोजаатнома аҳоли учун муносиб яшаш шароитларини яратиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қурилиш ишларида сифат, хавфсизлик ва қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу вазибалар Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар билан тўлиқ уйғун бўлиб, соҳадаги фаолиятимиз учун аниқ дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўтган 2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонида мувофиқ, вилоятда жами 9 200 та хонадон 156 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режаси тўлиқ бажарилди. Хусусан, “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳамда талаб юқори бўлган ҳудудларда замонавий уй-жойлар барпо этилиб, минглаб оилалар уй-жой билан таъминланди. Шунингдек, сўнгги беш йилда вилоятда 22 мингдан ортиқ хонадон фойдаланишга топширилиб, аҳолининг уй-жойга бўлган эхтиёжи изчил ҳал этиб келинмоқда. Ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантириш йўналишида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. 2025 йилда вилоятда мактаблар, богчалар, тиббиёт ва

Мурोजаатномада Президентимиз қурилиш соҳасида рақамлаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш масаласига ҳам тўхталди. Бу йўналишда инспекция томонидан қурилиш жараёнларини электрон мониторинг қилиш, рухсатномалар ва ҳужжатларни рақамли платформалар орқали юритиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Бу, ўз навбатида, коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга, инсон омилини камайтиришга ва назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мурोजаатномада қайд этилган яна бир муҳим жиҳат – ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, хусусан, мактаблар, богчалар, шифохоналар ва маданият объектлари қурилишини жадаллаштиришдир. Самарқанд вилоятида ушбу объектлар қурилиши доимий назоратда бўлиб, уларнинг белгиланган муддатларда ва сифатли фойдаланишга топирилиши ушбу топириқларнинг амалий ифодаси бўлади. Шу билан бирга, экология ва яшил ҳудудлар масаласига ҳам эътибор қаратилди. Қурилиш жараёнларида аτροφ-муҳитга зарар етказмаслик, яшил майдонларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш, шахар ва қишлоқларда қулай экологик муҳит яратиш бугунги куннинг долзарб вазибаларидан биридир.

Белгиланган устувор вазибалар биздан янада масъулиятли, ташаббусларга бой ва ҳалол фаолиятни талаб этади. Шу маънода Мурोजаатномада олдимизга қўйилган вазибаларни сўзсиз бажариш, қурилиш-бунёдорлик ишларини янги босқичга олиб чиқиш, халқимиз учун хавфсиз, қулай ва замонавий яшаш муҳитини яратишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

муҳандислик-коммуникация объектларини ўз ичига олган 159 та объектада қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиб, уларнинг асосий қисми фойдаланишга топширилди.

Мурोजаатномада белгилаб берилган вазибалардан келиб чиққан ҳолда, 2026 йилда уй-жой қурилишида реновация дастурига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Термиз шаҳрида 60-70 йил олдин қурилган, яъни маънан эскирган 2 қаватли уй-жойлар ўрнида замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш ҳамда янги массивлар ташкил этиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Сурхондарё дарёси бўйида йирик инвестицион лойиҳани амалга ошириш орқали янги иш ўринлари яратиш ва ҳудуд иқтисодий салоҳиятини ошириш кўзда тутилмоқда.

Қурилиш соҳасида рақамлаштириш, электрон мониторинг ва шаффоф назорат механизмларини жорий этиш ишлари ҳам изчил давом эттирилади. Бу орқали инсон омилини камайтириш, коррупцияга қарши кураиш ва қурилиш сифатини оширишга эришилади.

Сирдарё вилояти ҳокимлиги диққатига!

Кўп қаватли уйларда куз-қиш мавсуми қандай ўтяпти? Масъуллар нега сукут сақламоқда?

Сирдарё вилоятида куз-қиш мавсуми қандай ўтаётгани масаласига тўхталиш аввалида тан олиб айтиш керакки, кейинги даврда худудда туман ва шаҳарлар кесимида катта ўзгаришларга эришилмоқда. Ишлаб чиқариш тармоқлари кўпайиб, кўплаб турар жойлар курилаётгани ҳамда бошқа тармоқларда рўй бераётган эврилишлар инсон омилини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Айниқса, вилоятда янги раҳбар фаолият бошлагач кўлга киритилаётган натижалар одамларда эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамламоқда. Бироқ... Ҳокимлик таркибидagi айрим ташкилотлар раҳбарларининг ўз вазифаларига етарли даражада масъулият билан ёндашмаслиги оқибатда фуқаролар эътирозига сабаб бўлаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Маълумки, ислохотларнинг бош мақсади инсон омилини устувор даражага олиб чиқишга қаратилган. Бу борада биринчи навбатда, аҳолига қулай шароитлар яратиш ва уларни кўллаб-қувватлаш масаласи давлати-мизнинг доимий эътиборида турибди. Хусусан, кўп қаватли турар жойлар, ишлаб чиқа-риш ҳамда ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлаш вазифаси ҳам ана шулар жумласидан. Вазирлар Маҳкама-сининг тегишли қарорига биноан, ҳар йили баҳор фаслиданоқ мавсумга жиддий тайёр-гарлик кўриш белгиланган. Бу муҳим тад-бирни ўз муддатига сифатли бажарилишини назоратга олиш жойлардаги ишчи гуруҳлар зиммасига юклатилган. Асосий мақсад – со-вуқ кунларда аҳоли муаммога дуч келмаслиги керак.

Халқимиз “Ёзда ёпинчигингни ташлама, қишда ўзинг биласан”, деб бежиз айтмаган. Қарор ижросини ўз муддатига таъминлаб, аҳолига муносиб хизмат кўрсатаётган масъу-ларга ҳар қанча раҳмат айтсак, арзийди.

Таассуфки, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрининг айрим мавзеларидagi кўп қават-ли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар изгиририли кунлар авж олаётганини мавсум бошиданоқ ҳис қилишди. Бунга асосий са-баб – кўп қаватли турар жойлар учун ишлаб чиқилган лойиҳалар доирасида амалга оши-рилиши керак бўлган долзарб ишлар аро йўл-да қолиб кетганидир.

Камчиликларнинг охири йўқ

Аслида, мавсумга тайёргарлик билан бог-лиқ долзарб вазифада безътибор бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бироқ “Чала иш, келтирар ташвиш” деганларидек, шаҳарнинг “Боғиша-мол” МФЙ 3-мавзесидagi “Меҳр” уй-жой мул-қдорлари ширкати (раҳбари Дилноза Жап-пасова)га қарашли 13 та кўп қаватли турар жойнинг томини шифер ёки юмшоқ рубероид билан ёпиш, уйлар атрофида болалар учун спорт майдончалари қуриш, тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, шунингдек, фасад қисм-ларни базальт билан қоплаш орқали иссиқ-ликни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳага биноан қурилиш-таъмирлаш ишла-ри бошланганида худуддаги 665 та хонадон аҳли эрта қувонган экан. Чунки бошланган ишлар охирига етказилмай аро йўлда қолиб кетган. Чиндан ҳам, ўтган асрнинг 70-йилла-рида қурилган ушбу уйлар аллақачон мукам-мал таъмирга муҳтожлиги ташқи қиёфасида-ноқ билиниб турибди.

Сирдарё вилояти ҳокимлиги қошида-ги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ДУК буюртмасига биноан, лойи-ҳа бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари-ни ўз зиммасига олган “Zomin Mega Stroy Hamkor” МЧЖ (раҳбари Темуր Исроилов) даст-лаб ишни тез бошлаган бўлса-да, айрим таш-килотларнинг эътирози туфайли якунига ет-каза олмаяпти. Мутахассислар изоҳига кўра, бунга асосий сабаб – кўп қаватли уйларнинг қия шаклда қурилган томини шифер билан ёпиш шаҳарсозлик қоидаларига мос келмай-ди, қолаверса, қор ва кучли шамол оқибати-да катта босим тушиб, уйларга жиддий зарар етиши мумкин.

Шаҳарсозлик қоидаларига риюя этиш ма-саласи нафақат қурилиш-таъмирлаш ишла-рига масъул корхоналар, балки аҳоли учун ҳам бирдек муҳим. Демокчимизки, лойиҳа тайёрланган дастлабки кезде тегишли ко-миссия ёки экспертизадан ўлказилиши керак эмасмиди? Нега энди айнан ишлар бошлан-гандан сўнг таҳлил қилинмоқда? Тегилли ташкилотлар берган тавсияларга ҳеч қандай

эътироз йўқ, албатта. Бироқ, томларни ши-фер билан ёпиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келадиган бўлса, юмшоқ материал, яъни, рубероид билан қоплаш мумкинлигига ҳеч қандай эътироз йўқ эдику! Айнан мана шу масалада шаҳар ҳокимлигидagi мутасадди-лар ва буюртмачи корхона ҳанузгача қатъий тўхтамга келмагани оқибатида кишининг асо-сий даври ўтиб бораётганига қарамай, томлар ёпилмасдан турибди.

Ҳозирги қор-ёмғирли кунларда 3-мавзе-даги 11-уйнинг 10-хонадонида яшовчи Ни-луфар Уролова, 12-хонадонда яшовчи Насиба Пардаева каби ўнлаб аҳоли уйларининг томи-дан чакка ўтмоқда. Мулкдорлар ўз маблаглари ҳисобидан таъмирлаётган бўлса-да, томларда тўлиқ бажарилмаган ишлар кун келиб панд бермаслигига қафолат борми?

“Zomin Mega Stroy Hamkor” МЧЖ раҳбари-нинг айтишича, бажарилиши керак бўлган ишлар учун жамият ҳисобидан тегишли маб-лаг ажратилиб, томларнинг бир қисмида таъ-мирлаш ишлари олиб борилган. Шунингдек, уйларни базальт билан қоплаш ишлари деяр-ли тугатилган. Аммо рубероид билан ёпишга рухсат берилгани йўқ.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда қолиб кетган 4-мавзедаги “Мус-тақил коммунал хизмат-таъмир” БСК (раҳба-ри Шухрат Мансуров) хизмат кўрсатувчи уй-ларда ҳам аҳвол юқоридagi каби. Худуддаги кўп қаватли уйларда 780 та хонадон бор. “Nano Technological Project” корхонаси (раҳбари Жа-сур Ботиралиев) тайёрлаган лойиҳа-сметага биноан, 23 та уйнинг томини тўлиқ таъмирдан чиқариш “Бетон саноят”, “Бек авто қурилиш” ва “Ўчмас нур” МЧЖлар зиммасига юклатил-ган. Лекин маблаг етишмаётгани рўкач қи-линиб, бир нечта уйларда иш охирига етмай турибди. Июль ойида эса уйларнинг фасад қисмини базальт билан қоплашга киришил-ганда фуқаролар замонавий лойиҳа туфайли бундан буён хонадонларида иссиқлик мўъ-тадил сақланишидан хурсанд бўлишган эди. Аммо бу ерда ҳам бошланган ҳаракатлар ярим йўлда қолиб кетди.

Масъулларни уйғотиш вақти келди

Юқорида таъкидланганидек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан ташкил қи-линган ишчи гуруҳ долзарб масалага нега ўз вақтида эътибор қаратмади?! Бугун “мавсумга қизгин тайёргарлик қўрилмоқда” деб эмас, балки “мавсум кўнгилдагидек ўтяпти” дейди-ган пайт эмасми?

Маълумки, жойларда инфратузилмани замон талабига мослаштириш орқали аҳо-ли турмуш даражасини яхшилаш юзасидан улкан ишлар амалга ошириляпти. Президен-тимизнинг 2025 йил 6 мартдаги ПҚ-93 сонли қарори ушбу ҳаракатларнинг мантикий даво-ми сифатида айнан Сирдарё вилоятида иш-

билармонлик муҳити, инфратузилма ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган, бунинг учун етарлича маблаг ҳам ажратилган. Жумладан, 218,9 миллион АҚШ долларига тенг 22 та лойиҳада қурилиш-мон-таж ишлари олиб борилаётгани айтилади. “Йўл харитаси”да кўрсатилган маблагдан бир қисми кўп қаватли турар жойларни таъ-мирлаш ва ён-атрофини ободонлаштиришга йўналтирилган бўлса керак. Шунга қарамай, бу масалада муаммолар қалашиб ётгани ки-шини уйлантириб қўяди.

Ўрни келганда яна бир мисолга эътибор қаратсак, шаҳардаги “Намуна” МФЙ худудида жойлашган “Файз-Азизбек” БСК (раҳбари Гул-нора Якубова) тасарруфида реновацияга туш-ган 4 та уйдан ташқари яна 13 та кўп қаватли турар жой мавжуд. Долзарб ишга масъул бўл-ган “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ДУК вакиллари келиб бажари-лаётган ишларни назоратга олмгани туфай-ли уйларнинг аксариятида лойиҳа-сметада кўрсатилган юмушлар бажарилмаган ёки чала ҳолда турибди. Хусусан, 81-, 63-, 194- ва 174-уйларнинг томлари юмшоқ рубероид бил-лан ёпилиши белгиланган бўлса-да, шу пайт-гача амалда бажарилмади. Ислоҳ Каримов номи кўчадаги уйларнинг фасад қисми, тун-ги ёриттич чироқлари, йўлакларни бетонлаш, спорт майдончалари қуриш ва видео кузатув камералари ўрнатиш каби ишларга эса ҳали киришилмаган.

– Бу масалани тезроқ ҳал этиб беришля-рини сўраб, вилоят Қурилиш ва уй-жой ко-ммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекциясига, Сирдарё вилоят ҳо-кимлиги хузуридаги “Ягона буюртмачи хиз-мати” инжиниринг компанияси ДУК бош муҳандисига бир неча бор ёзма равишда му-рожаат қилдим, – деди БСК раҳбари Гулнора Якубова. – Афсуски, улардан ёрдам бериш да-ражасидagi аниқ жавоб бўлмади. Шу туфай-ли уйларнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш 50 фоизга, ободонлаштириш ишлари эса 30 фоизга бажарилган, холос.

Бу юмушларни ўз вақтида, сифатли бажа-ришга масъул бўлган “Нурли куёш техно-логиялари” МЧЖ раҳбари Дилшод Тожибоев-нинг билдиришича, ҳозирга қадар иккита уйнинг фасад қисми базальт билан қоплан-ган, қолганларида ҳам лойиҳага кўра ишлар амалга оширилмоқда. Асосий ишларнинг муддатига бажарилмаётганига эса, қурилиш материаллари вақтида етказиб берилмаётган сабаб бўлмоқда.

Шаҳарсозлик қоидаларига биноан, ҳар қандай объекта бажарилаётган ишлар си-фатлигига билан бирга, ён-атроф ҳам тоза-о-зода бўлиши лозим. Лекин мазкур корхона жамоаси ишда лоқайдликка йўл қўяётгани шундоқ кўриниб турибди. Масалани ўргана-ётган пайтимизда уйлар ва кириш йўлакля-ри, болалар богчасининг ён-атрофи қурилиш материаллари чиқиндисига тўлиб кетганини кўрдик. Бу эса, ҳаво сифатини бузиб, аҳоли са-ломатлигига зарар етказида.



Жамият раҳбари Д. Тожибоевдан бу ҳақда сўрасак, аввал турли баҳоналарни рўкач қил-ди, сўнгра, “Ҳозир машина чақирдим, чиқин-дилар олиб кетилади”, – деди.

Таажжуб! Худудни аҳоли саломатлигига зарар етказадиган чиқиндидан ўз вақтида то-залаш хизмат вазифаси бўлишига қарамай, бу ишни бошқалар айтганидан кейин бажариш қай мантиққа тўғри келади?

Мутахассис нима дейди?

2025 йил май ойидан буён юқорида қайд этилган мавзелардаги кўп қаватли уйлар том-ларини таъмирлаш ишлари орқага сурила-ётгани асосий сабабларидан бири – “Fattoh-Farida hamkor rsevis” хусусий корхонаси (раҳбари Абдиқодир Абдираззоқов) томони-дан ишлаб чиқилган лойиҳа-сметага ўзгар-тириш киритилганидир. Ҳар қандай тузатиш ёки қўшимча киритилиш ҳам иш қўзилмасли-ги учун А. Абдираззоқов тегишли ташкилот-ларга, жумладан, “Тошуйжой ЛИТИ”АЖга 2025 йилнинг 17 сентябрда хат билан мурожаат қилади (уни айнан келтиришни лозим топ-дик):

“Корхонамиз Сирдарё вилояти ҳокимлиги хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК билан Гулистон шаҳар 3-мавзеси худудида жойлашган кўп қаватли йиғма темир-бетон панелли уйларни базальт плиталари билан қоплаш ва том қисмини мукаммал таъмир-лаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тай-ёрлаш бўйича шартнома имзолаган бўлиб, лойиҳалаш ишларининг асосий қисми бажа-рилди. Бироқ бир неча уйларда том ёпма пли-таси икки нишабли бўлиб, рулонли қоплама (фольгоизол) билан қопланган. Сўнги барта-раф этиши (водоотвод) ташқи тарқоқ. Ушбу икки нишабли том ёпма плита устига ёғоч конструкциялик асбоцемент шифер вари-антдаги том ёпма конструкциясини лойиҳа-лаш конструктив, сейсмик жиҳатдан қан-чалик асосли ёки асоссиз эканлиги юзасидан Сизга тақдим қилинаётган ўлчов чизмалари, бионинг том қисмидаги фото расмларни ўр-ганиб чиқиб, хулоса беришингизни илтимос қиламан. Юқорида таъкидланган кўп қават-ли панелли уйлар 1970 йилларнинг биринчи яр-мида барпо этилган”.

Орадан бир ҳафта ўтгач, лойиҳачи мурожа-ати ўрганиб чиқилиб, “Тошуйжой ЛИТИ” АЖ қуйидагича жавоб берган:

“Мавжуд том ёпмаси панеллари бино-нинг юк қўтарувчи бўйлама деворлари бўйлаб ётқирилган 300 мм баландлиқдаги бўйлама ва кўндаланг темир-бетон тўсинларга қоти-рилган. Мавжуд том ёпмаси йиғма темир-бе-тон панеллари нишабли том юқлари ҳисобга олинмаган, том панеллари бўйлама ва кўн-даланг ёриқлар мавжудлиги сабабли панел-ларининг ҳолати қоникарсиз деб баҳолана-ди. Мавжуд том ёпмаси йиғма темир-бетон панеллари устига шифр қопламали ва ёғоч конструкциядан ташкил қиладиган нишабли том бажариш тавсия берилмади”.

Масъул ташкилот хулосаси жиддий бўл-гани боис, лойиҳа корхонаси раҳбари бу ма-салада вилоятдаги мутасадди ташкилотлар фикрини ўрганиб, тезроқ ишга киришилмаса вақт бой берилишини ҳисобга олиб, дастлаб вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУК, сўнгра, вилоят Қурилиш ва уй-жой комму-нал хўжалиги соҳасида худудий назорат қи-

лиш инспекциясига бир неча бор хат билан мурожаат қилган. Аммо куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари республика миқёсида аллақачон якунланган бўлса-да, Сирдарё ви-лоятидаги мутасадди ташкилотлар уни охи-рига етказиш ўрнига орадан беш ой вақт ўтга-нига қарамай, зарур чора-тадбирлар қўллаш у ёқда турсин, ҳатто шу кунгача лойиҳа ташки-лотидан йўлланган хатга жавоб беришмагани изоҳга ҳожат қолдирмаса керак!?

Хулоса ўрнида

Гулистон шаҳридаги кўп қаватли уйлар-ни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича йўл қўйилаётган камчиликларни газетдада чоп этишга унчалик шошмадик. Бойси, уларни ўз ўрнида бартараф этиш ва камчиликларни тузатишга имкон бор эди. Лекин орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, амалга оширилган бирор иш қўзига ташланмади.

Масалан, 3-микрорайонда жойлашган “Меҳр уй-жой мулкдорлари” бошлиги Дилно-за Жаласованинг билдиришича, таъмирлаш ва қуриш ишлари билан боглиқ ташкилотлар-га қатнайверишдан натижа чиқмаяпти. Ҳар борганида, у ердаги мутасаддилар “Яқинда ишлар бошлаб юборилади, ҳаммаси ўз ўрни-га тушади”, дейишади. Том ёпиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани оқибатида ёмғир-ли кунларда 11-, 8- ва 2-уйларнинг бир нечта хонадонидан чакка ўтиб кетган. Уларни ўз ҳи-سوبимиздан амаллаб тузатиш. Бироқ, бошқа уйларда ҳам чакка ўтадиган хонадонлар кўп.

Ёгин-сочини кунлар ва бошқа муаммо-лар 2-микрорайондаги “Намуна фазз Азиз-бек” БСК, Талабалар кўчасидagi “Мустақил-лик” БСКни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мазкур худудларда нафақат кўп қаватли уйлар том-лари, балки қурилиш-таъмирлаш билан бог-лиқ баъзи ишлар аро йўлда ташлаб кетилга-нини кўриш мумкин.

Таҳририятдан:

Ушбу мақолада Гулистон шаҳридаги 3 та мавзени куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари юзасидан шу кундаги аҳволга эътибор қаратилди. Ваҳоланки, ҳолат ўрганиб чиқилгандан кейин орадан салкам икки ой вақт ўтди. Шу сабабли уни чоп этиш аввалида масалага яна бир бор ойдинлик киритиш мақсадида вилоятдаги масъул ташкилотлар билан боғланишга бир неча бор ҳаракат қилинди. Афсуски, қанча уринмайлик, иложи бўлмади. Маълумотларга қараганда, вилоят бўйича 129 та кўп қаватли турар жойда қурилиш-монтаж ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Вилоятнинг маъмурий марказида шу аҳвол бўлса, унга туташ шаҳар ва туманлардаги вазиятни қандай тасаввур қилиш мумкин? Аммо хулосани биз чиқармаймиз, яхшиси, уни вилоятдаги масъуллар ҳуқуқига ҳавола этамиз. Таҳририят эса бу мавзуга яна қайтади...

Ютуқлар, ислоҳотлар ва янги мақсадлар



Соҳиб ЖУМАЕВ,
Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

Ўтаётган ҳар бир кун Бухоро вилоятини янги ютуқлар, кенг кўламли ислохотлар ва истиқболли лойиҳалар сари етакламақда.



Хусусан, 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили” доирасида вилоятда барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда барқарор ўсиш таъминланиб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган амалий ишлар изчил давом этмоқда. Ана шундай масъулиятли ва шарафли паллада Бухоро вилояти аҳли ҳам Янги 2026 йил оstonасига салмоқли ютуқлар, амалий натижалар ва катта режалар билан етиб келди.

Иқтисодий ўсиш – барқарор тараққиёт асоси

2025 йил якунларига кўра, Бухоро вилоятида 48,2 триллион сўмлик sanoat махсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 107,5 фоизни ташкил этди. Айнаникса, кимё ва нефть соҳаси, озик-овқат, енгил sanoat ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари иқтисодиётнинг асосий драйверларига айланди. Аҳоли жон бошига sanoat махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 23,1 миллион сўмга етди. “Ғиждувон тажрибаси” ва “Зарбдор тажрибаси” асосида амалга оширилган лойиҳалар янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилди.

Хизматлар соҳасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Бунда 4,2 мингдан ортиқ кичик ва ўрта лойиҳалар ишга туширилиб, қарийб 5 минг нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Шаҳар ва туман марказларида ташкил этилган 24/7 кўчалар эса иқтисодий фаолликни янада жонлантирди.

Инфратузилма ва бунёдкорлик ишлари

Кенг кўламли бунёдкорлик ислохотлари туфайли қурилиш ишлари ҳажми 20 триллион сўмга етказилди. 6 500 хонадондан иборат 140 та кўп қаватли турар жой барпо этилди. Кам таъминланган аҳоли қатламлари учун субсидиялар асосида минг нафар фуқарога уй-жой сотиб олиш имкони яратилди.

Ижтимоий соҳада ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Мақтаблар, болалар боғчалари, тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари, олий таълим бинолари фойдаланишга топширилди. Бухоро давлат университети ва педагогика институтида талабалар учун замонавий кампус ва турар жойлар барпо этилди. Давлат дастурлари доирасида 1,9 триллион сўм маблағ ҳисобига ижтимоий объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Энергетика ва “яшил иқтисодиёт” – келажакка инвестиция

Жорий йилда вилоятда электр, газ ва иссиқлик таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. 463 километр электр тармоқлари, 223 та трансформатор пунктлари ва 13 530 та яроқсиз таянч устунлар янгиланди. Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасида Бухоро вилояти республикада етакчи ҳудудлардан бирига айланди. Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” ва Саудия Арабистонининг “Acwa power” компаниялари иштирокида йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди. Натижада ярим миллион аҳо-

ли “яшил энергия” билан таъминланиб, йилига 1 миллиард кВт соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Вилоятда йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 462 миллиард сўм йўналтирилиб, жами 1200 километр йўл таъмирланди. Халқаро молия институтлари иштирокида 54 километр йўл янги цемент-бетон қоплама билан барпо этилди ҳамда 21 та кўприк реконструкция қилинди. Бу ишлар аҳоли ҳаракат хавфсизлиги ва ҳудудлар ўртасидаги транспорт алоқаларини янада яхшилашга хизмат қилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 79 та замонавий автобус харид қилиниб, 7 та янги йўналиш очилди. Шу билан бирга, автобус ҳаракати учун 5,8 километр алоҳида йўлақлар ташкил этилди ҳамда тадбиркорлар томонидан 30 та янги ва реконструкция қилинган бекат барпо этилди. Бу эса, аҳолининг қунадалик қатнов ҳаракатини қулайлиги ва хавфсизлигини оширди.

Экология ва яшил ҳудудларни кенгайтириш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоят бўйлаб 9,7 миллион тул даҳракт ва бута кўчатлари экилиб, янги боғ ва яшил масканлар ташкил этилди. Бухоро шаҳрининг “Экологик бош режаси” асосида шаҳарнинг келгуси ривожини экологик барқарорлик асосида таъминлашга хизмат қилмоқда.

2026 йилга муҳим режалар билан

2026 йилда ҳам Бухоро вилоятида тараққиёт суръати изчил давом этади. Жумладан, 382,1 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 46 та ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектилари қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, 555 километр электр тармоқлари янгиланиб, 156 та микро ГЭС барпо этилади. Жами 7 минг хонадондан иборат 150 та кўп қаватли турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Ушбу уй-жойларнинг 15 таси “Янги Ўзбекистон” массивларида барпо этилиб, минг хонадонни қамраб олса, янги тартиб асосида бошқа массивларда 135 та кўп қаватли уй-жой қурилади. 6 минг хонадонли турар жой фонди яратилади.

Шу билан бирга, 382,1 миллиард сўм маблағ ҳисобидан жами 46 та ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектиларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Хусусан, 22 та умумтаълим мактаби, 5 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та тиббиёт муассасаси, 8 та ирригация ва мелиорация объектилари ҳамда 8 та бошқа ижтимоий ва ишлаб чиқариш йўналишидаги иншоотлар барпо этилади.



2026 йилда маррани кенг олганмиз...

Меҳнаткаш халқимиз, қурувчилар ва лойиҳачиларнинг фидокорона меҳнати, сиёсий ижтимоий фаоллиги билан Фарғона вилоятида “Янги Ўзбекистон” ғояси реал воқеликка айланмоқда.

Бекзод РАҲИМОВ,
Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

Жумладан, аҳоли эҳтиёжларини қондириш ҳамда турмуш шароитларини ошириш мақсадида жорий йилда жами 221 та 10 100 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Бағдод тажрибаси асосида ҳудудларда “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилмоқда. Ўтган 8 йил давомида вилоятимизда қарийб 31 минга яқин хонадон ўз эгаларига топширилди. 2026 йилда реновация асосида 26 та 1 262 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Вилоятда ижтимоий инфратузилма объектиларини барпо этиш, реконструкция қилиш борасида ҳам изчил ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Инвестиция дастури доирасида жорий йилда жами 847,6 миллиард сўм маблағи ҳисобидан 114 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, таъмирталаб мактаб ва боғчалар ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди.

Шаҳарсозлик соҳасида янгича ёндашув асосида “Дизайн код” ҳужжатини жорий этиш бўйича бошқарма томонидан чоралар кўрилмоқда. Албатта, бу Фарғона тажрибаси сифатида республика бўйлаб амалга оширилади. Ҳудудларга “Дизайн код” яратишдан мақсад – биринчи навбатда, ўша ҳудудни тартибга келтириш, биноларни соқол қисмидан тортиб баланглигигача бўлган ҳажмларини, йўл бўйида жойлашган қурилмаларни бир теккисда тартибли қилиб жойлаштириш, кўкаламзор, тротуар, лоток, кўча ёритиш чироқларини замонавий кўринишга келтириш, умуман, ўша ҳудудни шаҳарсозлик жиҳатидан тартибга солиш, ноқонуний қурилмаларни бартараф этишга эришилади.

Коммунал соҳада имкониятлар кенгаймоқда

Бугунги кунда вилоятда жами 3 173 та 130 500 хонадонли кўп квартирали уйлар мавжуд бўлиб, уларда 509 минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудлардаги бошқарув ташкилотларида 24 соатлик авария диспетчерлик хизматлари фаолияти йўлга қўйилиб, ушбу хизматларга 4 минг нафардан ортиқ ходим ва 24 мингдан ортиқ зарур техникалар жалб қилинди. Шунингдек, бошқарув органларининг 48 нафар раҳбар ва ходимлари Компетенцияни ривожлантириш институтида малакаси оширилди.

Булардан ташқари, уй-жой фондиди куз-қиш мавсумга тайёрлаш учун барча зарурий чораларни қўриб, режаларни тўлиқ бажардик. Режага кўра, жорий йилда 419 та кўп қаватли уйни мавсумга тайёрладик. Мазкур мақсадлар учун бошқарув ташкилотларининг 10,4 миллиард сўм маблағлари сарфланди. Шунингдек, дастурга қўшимча равишда 310 та уй бошқарув ташкилотлари томонидан 1 695 миллион сўм эвазига жорий таъмирдан чиқарилди. “Хавфсиз лифт” платформаси ишга туширилиб, 300 та кўп қаватли уйдаги барча 504 та лифт маълумоти рақамлаштирилди ва тизимга киритилди. Мулкдорлар учун қулайликлар яратиш мақсадида билнинг тизимининг мобил ҳамда веб-сайт варианты яратилди, бунда шахсий кабинетда “Ягона миқоз” таъмоилии асосида мулкдор ЖШШИРдан фойдаланган ҳолда барча ком-

мунал тўловлардан балансини кўра олиш ҳамда тўлов қилиш имконияти яратилди.

Иссиқлик таъминоти яхшиланди

2025 йилда вилоятда иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш, истеъмолчиларга сифатли ва хавфсиз иссиқлик энергияси етказиб бериш ҳамда янги қурилаётган кўп қаватли уйларни марказлашган иссиқлик тизимига улаш мақсадида дастурлар доирасида жами 4 та янги қозонхона ва 16,7 километр иссиқлик тармоғи қуриш ҳамда 24 километр иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш, 8 та қозон ва 2,8 километр иссиқлик тармоқларини мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида янги қурилаётган 118 та кўп қаватли уй-жойлар марказлашган иссиқлик тизимига уланди ва 136 та (5 848 та хонадон) мавжуд кўп қаватли уйлар ва 6 та ижтимоий соҳа объектиларини иссиқлик таъминоти ахшиланди.

Бугунги кунда вилоятдаги 565 та кўп қаватли уйлар ва 30 та ижтимоий соҳа объектилари иссиқлик энергияси билан таъминланган бўлиб, иссиқлик энергияси етказиб берилаётган кўп қаватли уйлар 13,6 фоизга етказилди. Иссиқлик таъминоти тизимларини 2025/2026 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш доирасида жами 2,87 миллиард сўм маблағлар ҳисобидан 8 та қозон ва 2,7 километр иссиқлик тармоғи мукамал ва жорий таъмирланди. Бунинг натижасида вилоятдаги 136 та (5 848 та хонадон) кўп қаватли уй ва 6 та ижтимоий соҳа объектини иссиқлик таъминоти ахшиланди.

Мурожаатлар доимий эътиборда

Шаҳарсозлик кенгаши фаолияти бўйича жорий йилда жами 2 838 та ариза келиб тушган бўлиб, 1001 таси ижобий 1814 тасига тегишли равишда асосланиб рад этилган. Кенгаш фаолияти бўйича ҳам прокуратура ва адлия органлари томонидан текширувлар натижасида ҳам бир нечта жиноий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилган. Шунингдек, АРТ ҳужжатини ишлаб чиқиш учун асос бўлувчи туман-шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан Маъмурий регламент талабларига зид ҳолда руҳсатномалар расмийлаштирилиши, Магистраль йўл бўйларидagi объектиларни Архитектура-шаҳарсозлик кенгашига жойлашуви бўйича юборилмаётганлиги ва бошқа талабларга зид ҳолда руҳсатномалар расмийлаштирилаётганлиги туфайли объектни тўлиқ ўрганиш имконияти бўлмапти ҳамда аризаларга рад жавоблари берилганди.

Яна бир асосий масалага тўхталсак, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни ўрганиш бўйича жорий йилда жами 1161 та мурожаат келиб тушган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 40 фоизга камайган. Мурожаатлар билан ишлаш жараёни бўйича ҳудудий бўлими ходимларига 2 маротаба семинар-тренинг ташкил этилган. Мурожаатлар билан ишлашда сидқидилдан ҳаракат қилаётган 5 нафар ходим фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

Ўтган 2025 йил барчамиз учун мазмунли ўтди. Янги 2026 йилда ҳам маррани янада кенг олиб, юртимиз бунёдкорлиги ривожини йўлида катта куч ва ғайрат билан ишлашда давом этамиз.

Навоий – иссиқлик таъминоти соҳасида илғор ҳудудга айланади

Анвар БҮРИЕВ,
Навоий вилояти “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ директори.

Аҳолини куз-қиш мавсумида узлуқсиз ва барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлаш масаласи нафақат муҳим вазифа, балки ижтимоий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигининг муҳим омилига айланди. Навоий вилояти “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ томонидан Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш йўлида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.



Масъулият ва аниқлик мезони

2025–2026 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида, энг аввало, мавжуд иссиқлик тармоқлари ва асосий ускуналарнинг техник ҳолатини тубдан яхшилашга эътибор қаратилди.

Дастлабки режага мувофиқ, 16 километр иссиқлик тармоқларини мукамал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, 33 дона қозон ва 79 дона насос ускунасини таъмирлаш белгиланган эди. Амалга оширилган ишлар натижаси режадан юқори бўлди. Жумладан, 17,9 километр иссиқлик тармоқлари таъмирдан чиқарилди, барча қозон ва насос ускуналари тўлиқ ишчи ҳолатга келтирилди.

Сезиларли натижалар

Вилоятимиз ҳудудларида олиб борилган ишлар ягона мақсад – барқарор иссиқлик таъминотини таъминлашга хизмат қилди.

Хусусан, Навоий шаҳрида 14 километр иссиқлик тармоғи мукамал, 10,8 километр тармоқ жорий таъмирдан чиқарилди, 10 та қозон ва 20 та насос ускунаси янгиланди. Зарафшон шаҳрида 1,1 километр тармоқ таъмирланиб, 14 та қозон ва 14 та насос ишчи ҳолатга келтирилди.



Учкудук туманида 2,55 километр иссиқлик тармоғида таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 5 та қозон ва 20 та насос янгиланди. Конимех туманидаги Зафаробод кўргонида эса 0,2 километр тармоқ таъмирланиб, 4 та қозон ва 25 та насос ускунаси ишга тайёр ҳолатга келтирилди.

Тизимли ислохотлар асоси

Президентимизнинг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори иссиқлик таъминоти соҳасини тубдан янгилашда муҳим ҳуқуқий ва амалий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарор доирасида 2025–2028 йилларда алоҳида эътибор талаб этувчи 113 километр иссиқлик тармоқлари аниқланиб, босқичма-босқич янгилаш ишлари йўлга қўйилди.

2025 йилда “Ғолиб Бекзод” МЧЖ томонидан режалаштирилган 28,83 километр тармоқдан 20,98 километр тўлиқ янгиланди. Натижада Навоий, Зарафшон, Учкудук ва Зафаробод ҳудудларида эскирган қувурлар замонавий, ишончли тизимларга алмаштирилди.

